

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сўх тумани ободонлаштириш  
бошқармаси



Билими: А. Ибрагимов

2022 й.

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишни амалга ошириш ишлари  
бажарувчи ташкилотга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рўйхати

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

Фарғона#2022 йил

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### **Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети**

Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги УРК-684-сонли Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

### **Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари куйидагилар:**

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда булиб, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишни амалга ошириш ишлари бажариш бўйича танлашни ўтказиш кузда тутилган.

Тупламлар сони: 1 комплект

Хизматларнинг бошлангич нархи ва бажариладиган ишларнинг тафсилоти техник топшириқда кўрсатилган.

Барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, муҳандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бургу кудуги ва хлс.) лойиҳа хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник курик (талаб этилганда) ишлари, лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза куригидан ўтказишни молиялаштириш ва ташкил этиш билан бирга бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 30 кун.

Бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишни амалга ошириш хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказишдан мақсад-мазкур объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқадиган ташкилотни аниқлаш.

### **Буюртмачи - Сўх тумани ободонлаштириш бошқармаси**

Манзили: Фарғона вилояти Сух тумани

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Корхонанинг тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бошлиғи

Тел.: (99) 619-31-91

### **Давлат буюртмачиси**

мустадил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошлангич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган доллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда <https://etender.uzex.uz/> Веб-сайт порталига ва узининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек

оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни ўтказишда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закат ёки банк кафолатини киритишни талаб килиш;

харид килиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тавдим этиш муддатларини узайтириш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал килиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат килиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Қонунга мувофиқ харид килиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида қарор қабул килиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши; давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда махсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга қонунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид килиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилиланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

булажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари ва микдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизими (<https://etender.uzex.uz/>)га ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

### **Харид комиссияси**

Харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

харид килиш ҳужжатларини келишади;

таклифлар қабул килиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид килиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказишда, агар харид килиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;  
харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ҳолибини ва зарур бўлганда захирадаги ҳолибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

### **Ихтисослашган ташкилот**

Ихтисослашган ташкилот куйидаги хизматларни кўрсатади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказиши;

реклама ишларини ташкил этади;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;

давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилларининг турини тақлиф қилади;

давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимига ва махсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;

ҳолиблар билан имзоланган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

давлат буюртмачисининг ёзма топширигига кўра булажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;

давлат буюртмачисининг ёзма топширигига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига уз тақлифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги тақлиф билан мурожаат қилади;

харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш яқунлари бўйича ҳисоботлар тузади;

харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун тақлифномалар юборилишини таъминлайди.

### **Давлат харидларида коррупцияга йул қуймаслик**

инсофли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назорат ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик

манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-таомиллари Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йули билан амалга оширилади.

### **Иштирокчи**

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;

давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;

харид комиссияси томонидан таклифлар очилаётганда белгиланган тартибда иштирок этиш;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни куриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳудудига эга;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

### **Давлат харидларининг ижрочиси**

давлат буюртмачиси билан тузилган шартномани бажариш жараёнида тушунтиришлар олиш учун унга мурожаат қилиш;

етказиб берилган товар (иш, хизмат) учун ҳақ олиш;

шартнома шартларига мувофиқ ва (ёки) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга;

қонунчилик талабларига риоя этиши;

шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт.

**Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблар ва тақдим этилиши лозим булган ҳужжатлар**

Иштирокчи таклифларни тайёрлайди ва харид комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур булган қўшимча ахборотни тақдим

этади (Харид комиссиясининг сўровига кўра).

Иштирокчиларнинг малака кўрсаткичлари ва берилган таклифлари Харид комиссияси томонидан баҳоланади.

Иштирокчилар қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малака кўрсаткичлари ва таклифларни тақдим этиши лозим:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган Лойиха ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

- Танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);

- Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи қафолат хати (2-шакл);

- Танлов иштирокчисининг ҳақидаги умумий маълумотлар (3-шакл);

- Иш тажрибаси (4-шакл);

- Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (5-шакл);

- Нархга оид таклиф (6 шакл);

- Мавжуд моддий-техника воситалари тўғрисида маълумот (7 шакл);

- Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса кадастр ҳужжатлари, ижарада бўлса ижара шартнома, вилоят ҳудудида бўлиши шарт);

- Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиха таклифи);

- барча бирламчи руҳсат берувчи ҳужжатлар, архитектура режалаштириш топшириги (АРТ), топосъемка, муҳандислик геологияси, гидрогеология ҳулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойихаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бургу худуги ва х.к.) лойиха ҳужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишларининг харажатлари рўйхати (тақдим этилмаса таклиф рад этилади)

Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни уз хисобидан қоплайди.

Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби - таклифларни балли методда баҳолаш яқунлари бўйича танлашда энг яхши таклиф берган иштирокчи ғолиб бўлади.

Захирадаги ғолиб - энг яхши таклифларни танлашда ғолибидан кейинги ўринда турган паст балл тўплаган иштирокчи.

**Танлашда қуйидаги иштирокчиларнинг таклифлари рад этилади:**

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиха ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган;

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга булмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида булган;
- ишлаб чиқариш базаси, офиси, оргтехника ва ўлчов асбоблари бўлмаса (бошқа вилоят ҳудудида бўлса);
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлар мавжуд бўлса;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатида бўлса;
- аввалги буюртмаларда имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

### **Махфийлик**

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими узининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга рияз этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига рияз этилади.

Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боглиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

### **Танлаш ҳужжатининг таркиби**

Иштирокчи унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### **Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш**

Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

Комиссияси иштирокчининг сўровига кўра Таклифларни тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

### **Танлашда қатнашиш ҳаражатлари**

Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

Танлов таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

Маҳсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф) га барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **Танлашда қўлланиладиган тил**

Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби**

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон тарзда

критилади.

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди объекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

### **Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш ҳужжатлари асосида такдим этиши лозим.

Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида такдим этиши лозим.

### **Мукобил таклифлари**

Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга булган маҳсулот(хизмат) курунишида берилган таклифлар куриб чиқилмайди.

### **Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

Танлашда қатнашиш учун иштирокчи ўзининг ЭРИ калити билан онлайн тарзда қатнашади.

### **Танлашни ўтказиш**

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан куриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишда иштирокчиларнинг бошлангич нархдан юқори булган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклиф олинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчиларнинг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади. (Ф.И.Ш.)

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан уч иш кунидан ошиши мумкин эмас.

### **Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон**

Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат

буюртмачиси томонидан чекланмаган миқдордаги шахсларга махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига, шунингдек давлат буюртмачисининг хоҳишига кўра — унинг расмий веб-сайтига ёки унинг юқори турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узоқроқ муддатга жойлаштиришга ҳадли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон қуйидаги ахборотларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;

давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларининг ёки бошқа ходимларининг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид булмаган бошқа ахборотларни ҳам уз ичига олиши мумкин.

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун колгунга қадар танлов катнашчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

Танлов катнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар куриб чикилмайди ва рад этилади.

### **Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибини аниқлаш**

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Комиссия танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жихатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

Комиссия танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган хар қандай таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳукуқини ўзида олиб қолади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни куриб чиқади ва

тегишли карор кабул килади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тавдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

#### **Танлаш куйидаги холларда бўлиб утмаган деб эълон қилинади**

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ булмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд булмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан юқори бўлса.

Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши иштирокчилардан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

#### **Танлаш натижаларини расмийлаштириш**

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга утади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст булган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши орқали харидни амалга ошириши мумкин.

(Ф.И.Ш.)

**(Иштирокчининг фирма бланкасида)**

1-шакл

№:

2022 йил

**Сўх тумани ободонлаштириш  
бошкармаси  
Танлов комиссиясига**

**АРИЗА**

Фарғона вилояти \_\_\_\_\_ объектининг лойиха-смета хужжатларини тайёрлашни амалга ошириш (ЛОТ рақами) бўйича энг яхши таклифларни танлаш хужжатларни урганиб чидиб, ушбу хужжат билан уларнинг олинганлигини тасдилаган холда, датнашувчи лойиха ташкилоти номи таклиф хужжатларига мувофиқ мазкур танлашда иштирок этмоқчимиз.

Барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, архитектура режалаштириш топшириги (АРТ), топосъемка, мухандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойихаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бургу дудуги ва х.к.) лойиха хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник курик (талаб этилганда) ишлари, лойиха-смета хужжатларини экспертиза куригидан ўтказишни молиялаштириш ва ташкил этишни таъминлаймиз.

Шу муносабат билан таклиф хужжатларини йулламоқдамиз.

Малакавий хужжатлар, шунингдек, танлов таклифида келтирилган маълумотлар ва хужжатлар тўлиқ ва ишончли эканлигини кафолатлаймиз.

Мулоқот учун телефон/факс:

Лойиха ташкилоти номи ва раҳбари  
директори

**(Катнашчининг фирма бланкасида)**  
**Сўх тумани ободонлаштириш бошкармаси**

**Танлов комиссиясига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу билан шуни тасдиқлаймизки, лойиҳа ташкилоти номи

Қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик ҳолатида эмас  
(маълумотнома тақдим этиши шарт);

- Судда ёки ҳакамлик судида тортишув ҳолатига эмас;

Аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган  
мажбуриятлари йўқлигини;

Солиқлар ва бошда мажбурий туловларни тулаш бўйича қарздорликнинг  
мавжуд эмас (маълумотнома тақдим этиши шарт);

Давлат харидлари соҳасида коррупцияга йўл қўймасликка;

Буюртмани белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхати (<http://xarid.uz/unfairexecutor>)  
мавжуд эмаслигимизни кафолатлаймиз.

Лойиҳа ташкилоти номи ва раҳбари  
директор

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

**ҚЎЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

(Ф.И.Ш.)

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ТАШКИЛИЙ СТРУКТУРАСИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ

Танлов иштирокчисининг ишлаб чиқариш тузилмасини кўрсатинг (ташкilotнинг булинмалари билан биргаликдаги, булинмалар фаолиятининг қисқача таърифлайдиган чизма шаклидаги тузилмаси)

НАМУНА

### КУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУҲРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

Танлов иштирокчисининг номи:		
Рахбарнинг фамилияси исми ва отасининг исми:		
Манзили ва телефон (факс) рақами:		
Юридик мақоми:		
Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами):		
Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича):		
ИНН		
ОКОНХ		
ККС туловчи ёки туловчи эмаслиги		№ ККС туловчи
<b>Рахбар ва унинг ўринбосарлари:</b>		
Ф.И.О.	Лавозими	Иш тажрибаси
1.	Директор	
2.	Бош муҳандис (ЛБМ)	
Асосий ходимлар (ЛБМлар, ЛБАлар, булимбошликлари, вабошқалар)		
Ф.И.О.	Лавозими	Иш тажрибаси
3.	Архитектор ЛБА (ГАП)	
4.	Лойихд Архитектори ЛА (АП)	
5.	Булим бошлити	
6.	Участка бошликлари	
7.	Лойиха ҳужжатларини комплектация қилиш булими етакчи мутахассиси	
8.	Смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича етакчи мутахассис	
9.	Етакчи мутахассис	
10.	Бош мутахассис	
11.	Техник назорат булими бошлити	
12.	Тайлов савдоларини ўтказиш ва тайлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш булими бошлити	

13.	2-тоифали мутахассис	
14.	1 -тоифали мутахассис	
15.	Специалист службы материальнотехнического снабжения	
Доимий ва мавсумий ишчи ходимлар сони:		
Доимий ишчи ходимлар (жами):		
Мавсумий ёки шартномадаги ишчи ходимлар (жами):		
<b>10 йилдан кам булмаган иш тажрибаси бор ишчи ходимлар сони кўрсатилсин. (профили бўйича)</b>		
Доимий ишчи ходимлар		
Мавсумий ишчи ходимлар (шартномадаги).		

Барча ишчи ходимларнинг хужжатлари (паспорт, битом, <https://mehnat.uzdau> QR кодлимехнат дафтарчаси) асл нусхасидан сканер қилиниб, электрон жойлаштирилиши шарт.

Иштирокчи рахбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузиш санаси: « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_ й.

**ҚУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАҲБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИ**

**ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛГАН ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ  
(ИШ ТАЖРИБАСИ)  
(2019 - 2021Й.)**

Танлов иштирокчисининг номи. Лойиха ташкилоти

Биз томондан охириги уч йилда бажарилган асосий лой

Ихалар:

№	Лойиха номи	Буюртмачи ташкилот номи	Бажарилган ишлар	Генподряд	Субподряд
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					

*Охириги уч йил давомида бажарилган ишларнинг тулғи бажарилганлиги тўғрисида далолатнома GCI уисоб-фактураларининг асл нусхасидан сканер килиниб, электрон жойлаштирилиши ишрт.*

Иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузиш санаси: « \_\_\_\_ » 2022 й.

**КУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАХБАРИ ЁКИ ВАКОЛАТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНДИ В А ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНДИ  
ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ АХВОЛИ**  
*(КЎ>йилмага кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ҳақидаги %исобот плва қилинди)*

АКТИВЛАР	20_й	20_й	20_й	ПАССИВЛАР	20_й	20_й	20_й
Узокмуддатлиактивлар				Узмаблаглариманбаи			
Асосий во с и т л а р				Низом капитали			
Шундан И ш л а б ч и к а р и ш ф о н д л а р и				Таксимланмаганфойда			
Колдиккиймат				Мажбуриятлар			
Капитал куйилмалар				Займлар			
Тvi алланмаганишлабчикариш				Кредитор карздорлик			
Жорийактивлар				Шунданмуддатиўтганкарздорлик			
Айланмамаблаглар				Шунданбюджетданкарздорлик			
Уларданишлабчикаришзахиралари				Шундан и ш х а к и д а н к а р з д о р л и к			
Дебитор карздорлик							
Шу пданмуддатиўтганкарздорлик							
Жами баланс ак"и нвибўйича				Жами баланс пассивибўйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**

Номи	20_й	20_й	20_й	Номи	20_й	20_й
1. Реализация данолингантушум				8. Соф фойда		
2. Рсализация данолинган соф тушум				Шунданасосийфаолиятбуйича		
3. Реализация ислини а н м а с у л о т н и н г и ш л а б ч и к а р и ш т а н н а р х и					Умумхужаликфаолиятбуйича	
4. Маъмурийхаражатлар				9. Асосийфаолият данолинган фойда		
5. Бошкахаражатлар				10. Умумхужаликфаолият данолинган фойда		
6. Даромад солигит Уловигача фойда				11. Зарар		
				шундан асосийфаолиятдан		
7. Даромад солиги				умумхужаликфаолиятдан		

Баланс фонда \_\_\_\_\_

Охириги 3 йилда банкротлик ёки тулов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

Бош хдсобчи \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_ мудр

Сана: «    »

**ШАРТНОМАДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН ШАКЛ № 7  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ОРГТЕХНИКА ВА БОПЩА ТЕХНИКА(ЖИХОЗ) Л А Р  
РЎЙХАТИ**

N	Техника (жихоз) номланиши	Сони	Ишлаб чик;илган йили	Техник хрлати
1.				
2.				
-> 1.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				
13.				
14.				
15.				

*Тасдиқотда оргтехникалар ва улчов асбоблари мавжудлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатлар асл нусхасидан сканер қилиниб, электрон жойлаштирилиши шарт.*

Иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузиш санаси: «    » 2022 й.

**КУЙИЛМАНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ  
РАХБАРИ ЁКИ ВА КОЛ АТЛИ ШАХС ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНАДИ ВА ТАНЛОВ  
ИШТИРОКЧИСИНИНГ МУХРИ БИЛАН ТАСДИКЛАНАДИ**